

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

## ТЕХНОГЕН, ТАБИЙ ВА ЭКОЛОГИК ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ТАСНИФИ ТҮҒРИСИДА

Ахоли ва ҳудудларни табийи ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

Техноген, табийи ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи [иловага](#) мувофиқ тасдиқлансан.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
1998 йил 27 октябрь,  
455-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил  
27 октябрдаги 455-сон [карорига](#)  
ИЛОВА

### **Техноген, табийи ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг ТАСНИФИ**

Фавқулодда вазиятлар<sup>\*</sup> уларнинг вужудга келиш сабабларига (манбалари) кўра тасниф қилинади ва улар ушбу вазиятларда заар кўрган одамлар сонига, моддий заарлар миқдорига ва кўламларига (худудлар чегараларига<sup>\*\*</sup>) қараб локал, маҳаллий, республика ва трансчегара турларига бўлинади.

\* Фавқулодда вазият — бу муайян худудда ўзидан сўнг одамларнинг қурбон бўлиши, одамлар соғлиги ёки атроф-муҳитга зиён етказиши, кишиларнинг ҳаёт фаолиятига каттагина моддий заар ҳамда унинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, стихияли оғат, эпидемиялар, эпизоотиялар натижасида юзага келган ҳолатdir.

\*\* Фавқулодда вазиятлар — худудлар чегаралари, уларни бартараф этиш ишлари, раҳбарлари томонидан Фавқулодда вазиятлар оқибатлари (шикастловчи омиллар) тарқалишига қараб белгиланади.

### **I. ТЕХНОГЕН ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР**

#### **1. Транспорт авариялари ва ҳалокатлари:**

экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимiga, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва авария-қидирув ишларини талаб қиласиган **авиаҳалокатлар**;

ёнғинга, портлашга, харакатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темирйўл ходимларининг, ҳалокат худудидаги темирйўл платформаларида, вокзаллар биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимiga, шунингдек ташилаётган кучли таъсир кўрсатувчи заҳарли модда (КТКЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ худуднинг заҳарланишига олиб келган **темирйўл транспортидаги ҳалокатлар ва авариялар (ағдарилишлар)**;

портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТКЗМларнинг заарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган **автомобиль транспортининг ҳалокати ва авариялари**, шу жумладан, **йўл-транспорт ҳодисалари**;

одамларнинг ўлимiga, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келган **метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар**;

газ, нефть ва нефть маҳсулотларининг (авария ҳолатида) отилиб чиқишига, очик нефть ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган **магистрал қувурлардаги авариялар**.

## **2. Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:**

атроф-табиий мұхиттега кучли таъсир қилувчи заһарлы моддаларнинг (авария ҳолатыда) отилиб чиқишига ва шикастловчи омилларнинг одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг күплаб шикастланишига олиб келиши мүмкін бўлган ёки олиб келган даражада, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ микдорда санитария-химоя худудидан четга чиқишига сабаб бўладиган **кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнгин ва портлашлар.**

## **3. Ёнгин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар:**

технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнгин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги, одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, заһарланишига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш фондларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар худудларида ишлаб чиқариш циклининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган **авариялар, ёнгинлар ва портлашлар;**

одамларнинг шикастланишига, заһарланишига ва ўлимига олиб келган ҳамда қидириш-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг маҳсус анжомларини ва воситаларини қўлланишни талаб қилувчи **кўмир шахталаридаги ва кон-руда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнгинлар ва жинслар қўпорилиши.**

## **4. Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар:**

саноат ва қишлоқ хўжалиги масъул истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келган ГЭС, ГРЭС, ТЭЦлардаги, туман иссиқлик марказларидаги, электр тармоқларидаги, буғқозон қурилмаларидаги, компрессор ва газ тақсимлаш шохобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар ва ёнгинлар;

аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар;

атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги заарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўлган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5. Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан авария-қутқарув ишлари ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек уй-жой сектори **бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнгинлар, газ портлаши ва бошқа ҳодисалар.**

## **6. Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жиҳатдан заарли моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:**

санитария-химоя худуди ташқарисига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўлган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл қўйиладигандан кўп микдорда нурланишини келтириб чиқарган **технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар;** радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар;

атроф-мухит ва одамлар саломатлиги учун хавф туғдирувчи радиоактив чиқиндилар **тўплагичлардаги, чиқиндихоналардаги, ишлам тўплагичлардаги ва заһарли моддалар кўмиладиган жойлардаги авариялар (ўпирилишлар);**

**радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши;**

биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишини амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда **биологик воситаларнинг** атроф-мухитта чиқиб кетиши ёки **йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.**

## **7. Гидротехник ҳалокатлар ва авариялар:**

сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги күллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги обьектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келган ва шошилинч кўчириш тадбирларини талаб қиласиган **ҳалокатли сув босишлари**.

## **П. ТАБИЙ ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР**

### **1. Геологик хавфли ҳодисалар:**

одамлар ўлимига, маъмурий-ишлаб чиқариш биноларининг, технологик асбоб-ускуналарнинг, энергия таъминоти, транспорт коммуникациялари ва инфратузилма тизимларининг, ижтимоий йўналишдаги биноларнинг ва уй-жойларнинг турлича даражада бузилишига, ишлаб чиқариш ва одамлар ҳаёт фаолиятининг издан чиқишига олиб келган зилзилалар;

одамлар ўлимига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган ва хавфли ҳудуддан одамларни вақтинча кўчиришни ёки хавфсиз жойларга доимий яшаш учун кўчиришни талаб қилувчи ер **кўчишлари, тоғ ўпирилишлари** ва бошқа хавфли геологик ҳодисалар.

### **2. Гидрометеорологик хавфли ҳодисалар:**

одамлар ўлимига, аҳоли пунктларини, баъзи саноат ва қишлоқ хўжалиги обьектларини сув босишига, инфратузилмалар ва транспорт коммуникациялари, ишлаб чиқариш ва одамлар ҳаёт фаолияти бузилишига олиб келган ва шошилинч кўчириш тадбирлари ўтказилишини талаб қиласиган **сув тошқинлари, сув тўпланиши ва селлар**;

аҳоли пунктларидаги, санаторий, дам олиш уйларидаги, соғломлаштириш лагерларидаги одамларнинг, туристлар ва спортчиларнинг жароҳатланишига ва ўлимига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган **кор кўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала** ва бошқа хавфли гидрометеорологик ҳодисалар.

### **3. Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар:**

**ўлат, вабо, сарғайма иситма каби сийрак учрайдиган касалликларни келтириб чиқарган алоҳида хавфли инфекциялар;**

одамларда учрайдиган юқумли касалликлар риккетсиялар — эпидемик тошмали терлама, Бриль касаллиги, Ку-иситма;

зооноз инфекциялар — Сибирь яраси, кутуриш;

вирусли инфекциялар — СПИД;

**эпидемия** — алоҳида хавфли инфекцияларга тегишли бўлмаган, юқиш манбаи битта ёки юқиш омили бир хил бўлган одамларнинг гурух бўлиб юқумли касалланиши, бир аҳоли пунктида — 50 киши ва ундан ортиқ;

**аниқланмаган этиология билан гурух бўлиб касалланиш** — 20 киши ва ундан ортиқ;

**ташҳиси аниқланмаган безгак касаллиги** — 15 киши ва ундан ортиқ;

**ўлим ёки касалланиш даражаси** ўртача статистик даражадан 3 баравар ва ундан ортиқ бўлган **вазият**;

**захарли моддалар билан заҳарланиш** — жабрланганлар сони — 10 киши, вафот этганлар сони — 2 киши ва ундан ортиқ;

**озик-овқатдан оммавий заҳарланиш** — жабрланганлар сони — 10 киши, вафот этганлар сони — 2 киши ва ундан ортиқ;

**эпизоотия** — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши;

**эпифитотия** — ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлиши.

## **П. ЭКОЛОГИК ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР**

### **1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:**

**ҳалокатли кўчкилар** — фойдали қазилмаларни қазиши чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида пайдо бўлувчи ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

**тупроқ ва ер остининг саноат туфайли келиб чиққан токсиқантлар билан ифлосланиши, оғир металлар, нефть маҳсулотлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиғи учун хавф солувчи концентрацияларда кўлланиладиган пестициidlар ва бошқа заҳарли химикатлар мавжудлиги.**

**2. Атмосфера (ҳаво мұхити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:**

**ҳаво мұхитининг қуйидаги ингридиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:**

олтингугурт диоксид, диоксид ва азотли оксид, углеродли оксид, диоксин, қурум, чанг ва одамлар соғлиғига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар;

**катта кўламда кислотали зоналар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;**

**радиациянинг юқори даражаси.**

**3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:**

**ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари:** нефть маҳсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган таркибида оғир металлар, ҳар хил заҳарли химикатлар бор бўлган чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;

бинолар, мұхандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг емирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар даражасининг ошиши;

сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида **ичимлик сувнинг кескин етишмаслиги**.

#### **IV. ЛОКАЛ, МАҲАЛЛИЙ, РЕСПУБЛИКА ВА ТРАНСЧЕГАРАЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР**

**1. Локал фавқулодда вазиятга** фавқулодда вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган, ёхуд 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган, ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаганни ташкил этадиган ҳамда Фавқулодда вазият зонаси ишлаб чиқариш обьекти ёки ижтимоий мақсадли обьект ҳудуди ташқарисига чиқмайдиган Фавқулодда вазият тегишли бўлади.

**2. Махаллий фавқулодда вазиятга** фавқулодда вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кўп бўлмаган одам жабрланган, ёхуд 100 дан ортиқ, бироқ 500 дан кўп бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган, ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп эмас, ташкил этадиган ҳамда Фавқулодда вазият зонаси аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят ташқарисига чиқмайдиган фавқулодда вазият тегишли бўлади.

**3. Республика фавқулодда вазиятига** фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одам жабрланган, ёхуд 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган, ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиқни ташкил этадиган ҳамда фавқулодда вазият зонаси вилоят ташқарисига чиқадиган фавқулодда вазият тегишли бўлади.

**4. Трансчегара фавқулодда вазиятга** оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган, ёхуд фавқулодда вазият чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахл қиласидиган фавқулодда вазият тегишли бўлади.

**5. Табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларга** (жала, дўл, тупроқ, ер ости ва сувнинг нефть маҳсулотлари, оғир металлар, пестициidlар ва бошқа заҳарли химикатлар билан ифлосланиши, атмосферанинг йўл қўйиладиган чегаравий концентрациядан ортиқ зарарли ингредиентлар билан экстремал ифлосланиши ва бошқалар) қарши муқобил ҳаракат қилиш мақсадида мазкур Низомда назарда тутилмаган миқдор кўрсаткичлар фавқулодда вазиятларнинг одамларнинг ҳаёти, соғлиғига ва атроф мұхитга таъсириининг

аниқ даражасига қараб атроф табиий мухитнинг ҳолатини кузатувчи ва назорат қилувчи вазирликлар ва идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг тегишли раҳбар органлари томонидан белгиланади.